

## Курбон ҳайит байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



А. ТУРАЕВ сурати

**НАФОСАТ, ЛАТОФАТ  
БАЙРАМИНГИЗ  
ҚУТЛУФ БЎЛСИН,  
АЗИЗ ОНАХОНЛАР,  
МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАР!**

### МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Мухтарам Рашидjon Қодиров!  
Янги йилнинг илк кунларида янги аср кириб келиши муносабати билан самимий ихорларингиз битилган табрик хатингизни олиб, Сиздан чексиз миннатдор бўлдим. Соғлигингизга соғлик, умримизга умр қўшилгандай бўлди. Уйлайманки, прокуратура тизимида ишлаб, ҳозирда мен катори қариллик гаштини сураётган барча фахрийлар ҳам Сизнинг бундай эътиборингиздан бениҳоя миннатдор бўлишган.

Сизнинг ва Навоий вилоят прокурорининг табрикларини ўқиган болаларим, 30 нафардан ортик невараларим айниқса, жуда хурсанд бўлишди. Улар Ватани, халқи учун ҳалол ва пок ишлаган инсон ҳамиша эл ардоғида бўлишига, ҳурмат-эътибор топишига яна бир бор амин бўлганликларини билдиришиб, қайси соҳада бўлмасин давлатимиз, халқимиз равнақи учун хизмат қилишга сўз бердилар.

Инсон кексайган чоғда эътиборга, кўнгилни кўтарувчи яхши сўзларга илҳақ бўларкан. Қолаверса, шоирлардан бири

**Бир ғариб кўнглини қилаолсанг шод,  
Яхшидур, ер юзин қилгандан обод.  
Лутифинг-ла бир дилни, қул қила олсанг,  
Афзалдур юз кулни қилгандан озод,**

деб бекорга шеър битмаган экан.

Ҳозир нафақада бўлсам-да, туман, вилоят прокуратураларига бориб тураман. "Ҳуққ" газетаси орқали мамлакатимизда, прокуратура тизимида юз бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб бораман. Соҳадаги ўзгаришлар, эришилаётган муваффақиятлар менга секин бағишлайди. Сизларга, истиқлолимизни ҳимоя қилаётган, буюк давлат қуриш йўлида тер тўкаётган ёшларга ҳавасим келади.

Ҳурматли Рашид Ҳамидович, Сизга ва Сиз бошқараётган Республика прокуратураси идораларида фаолият кўрсатаётган барча прокуратура ходимларига Навоий вилоят меҳнат фахрийлари номидан шарафли ишларингизда муваффақиятлар, мустақкам соғлик тилайман.

**Зайниддин САЙФУТДИНОВ,**  
меҳнат фахрийси.

Навоий вилояти, Хатирчи тумани

### ТАДБИР

#### ИНСОН ҲУҚУКЛАРИ МУҚАДДАС

Утган йилнинг апрел ойида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ўртасида битим имзоланиб, доимий ишчи гуруҳи тузилган эди. Ишчи гуруҳининг иш режаси асосида ҳамкорликда тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бош прокурор ўринбосари П.Божонов бошқариб борган ишчи гуруҳининг кенгайтирилган мажлисида унинг 2000 йилдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди ва 2001 йилдаги вазифалари белгиланган.

Шунингдек, "Прокуратура тўғрисида" (янги тахрирда) қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил котибиятининг катта реферанти Ф.Бақоева, Республика прокуратураси бошқарма бошлигининг ўринбосари М.Шодмонов, Омбудсманнинг Бухоро вилояти бўйича вакили Т.Саидов, юридик фанларни номзоди О.Оқилов ва бошқалар қонун лойиҳасини тақомиллаштириш юзасида тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоятларда инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг доимий ишчи гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Республика прокуратурасининг бўлим прокурори Ю.Мирзаева, Омбудсманнинг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Ф.Омонов, Вакилликнинг эксперт кенгаши аъзоси Г.Эшонқонова вилоятларда ишчи гуруҳларини ташкил этиш тақлифини кўлаб-қуватлаб, бу борада ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Мажлисида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили С.Рашидова иштирок этди ва сўзга чиқди. (Ўз мухбиримиз).

### Ушбу сонда

#### ОЙ КЕЛИНЛАР, КУН КЕЛИНЧАКЛАР...

Илгари келинчақлар чилласи чиққанча бегоналарга кўринмаган. Унинг ой жамолидан баҳраманд бўлмоқ ўзининг тан маҳрами — кувёвигагина насиб этган.

3 - бет

#### ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

... Бу орган хоҳ «прокуратура», хоҳ «давлат назорати» ёки бошқача ном билан аталмасин, барибир битта вазифа — фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан қонуларнинг оғишмай бажарилишига хизмат қилади.

7 - бет

#### Саида РАМЕТОВА:

«ГОЛЛИВУДДА РОЛЬ  
ҲИНАШ  
ИСТАГИМ БОР»

8 - бет

## «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

## Ta'isichilar

O'zbekiston Respublikasi  
prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

## Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalari  
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma T - 2149  
Nusxasi — 27354

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi  
Navbatchi muharrir  
T. SAIDBOBOYEV  
Navbatchi N. MAHMUDOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

# АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ,

## •Қутлов

Юлдуз МИРЗАЕВА,  
Республика  
прокуратурасининг  
воёга етмаганлар  
ҳақидаги қонунларни  
ижро этиш устидан  
назорат қилиш бўлими  
прокурори



Хурматли ҳамка-  
саба опа-сингилла-  
ри!

Барчангизга яшаринг ва гўзаллик фас-  
ли бўлиши баҳорнинг ташрифи муборак  
бўлсин!

Сизу бизнинг энг қадрли байрамимиз  
— 8 март ҳам айнан шу фаслда. Мухтара-

ма опа-сингилларим, Сизларни ана шу  
қутлуг айёмингиз билан қутлайман. Ило-  
ҳим, шу кунларга етганимиз рост бўлсин!  
Ота-онангиз, оила-аъзоларингиз бахтига  
омон бўлинг!

Касбингиз сермашақат. Ана шу фао-  
лиятингизда Сизларга сабр-бардош, му-  
ваффақият ва ривож тилайман. Вазифан-  
гизни астойдил бажаришингизда тилак-  
дошман.

Ҳар бир ишингизда аёлларга хос меҳр-  
шафқат ва латофат уфуриб турсин. Оила-  
да эса меҳрибон ва вафодор бека бўли-  
шингизни тилайман.

Оламдаги жамики гўзаллик ва оилавий  
бахт Сизларга ҳамроҳ бўлсин!

## ФАХР

Хотин-қизлар байрами олдидан аёллар  
тўғрисида нимадир дейиш, назаримда анча  
қийиндек. Аммо шунга айтиш кераки, улар  
тўғрисида фақат байрамларда эмас, балки  
ҳар кун ёзиш, ҳар кун гапириш мумкин.  
Чунки, АЁЛ — Яратганинг мўъжизаларидан  
бири. У ҳамиша эътиборга, ҳамиша эъзозга  
лойиқ, — дейди Тошкент шаҳар прокурори-  
нинг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси Фарида  
Ҳақбердиева. — Негаки, шу Ватан учун  
хизмат қиладиган камил фарзандларнинг  
камол топишида, оила ва ижтимоий ахлоқнинг  
жамиятимизда таркиб топишида унинг ўрни  
беқийсдир. Яъни тарбия, соғлом муҳитнинг  
яратилиши кўп жиҳати билан оила гули —  
аёлга боғлиқ.

Бирок, масаланинг бошқа  
томони ҳам бор. Аёлга фар-  
занд тарбиясининг асосий  
юқини юклаб қўйиш, меним-  
ча тўғри эмас. Эракнинг роли  
фарзанд тарбиясида бирлам-  
чи. Бундан ташқари, эртанги  
қунимининг эгаси — ёшлар  
тарбияси билан шуғулланиш  
нафақат онанинг, отанинг,

рак. Бир жиҳат-  
дан, бу гап ҳам  
тўғри. Бирок,  
тарбия учун на-  
фақат қаттиққў-  
ллик, балки на-  
фосат ҳам ке-  
рак. Аёл бўлса, нафосатнинг  
ўзгинаси. Шу босидан ҳам  
аёллар барча меҳнат мас-

тураси бўлим бошлиғи ўрин-  
босари С.Панова, бўлим про-  
курорлари В.Денисова, Со-



## АЁЛ — ЯРАТГАННИНГ БЕТАКРОР МЎЪЖИЗАСИ

балки маҳалланинг, қолавер-  
са, ҳаммамизнинг бурчимиз-  
дир. Барчамиз шунга тўғри  
англаб олганимиздагина, ком-  
ил фарзандларни воёга ет-  
казишимиз, шунингдек, воё-  
га етмаганлар томонидан со-  
дир этилаётган жиноятларга  
барҳам беришга эришиши-  
ми мумкин.

Сир эмас, аёл — ўқитувчи,  
прокурор бўлмаслиги керак,  
деган фикрлар бор. Эмишқи,  
дарс беришдан кўзланган  
мақсадга эришиш, йўлдан  
адашгани тўғри йўлга со-  
лиш учун қаттиққўллик ке-

канларида бўлгани яхши.  
Айни пайтда Тошкент ша-  
ҳар прокуратураси идорала-  
рида кўплаб аёллар меҳнат  
қилишмоқда. Утган йили жи-  
ноятчиликка қарши кураш,  
унинг олдини олиш, ҳамда  
фүқароларнинг ҳақ-ҳуқуқла-  
рини ҳимоя қилиш борасида  
кўрсатган хизматлари учун  
судларда жиноят ишлари  
қўрилишида прокурор вако-  
латини таъминлаш бўлими  
катта прокурори В.Коротко-  
ва Президентимизнинг фар-  
монига асосан «Шухрат» ме-  
дали билан, шаҳар прокура-

бир Раҳимов туман прокуро-  
рининг катта ёрдамчиси И.Ба-  
баянлар Республика Бош  
прокурори ва Тошкент шаҳар  
прокурорининг буйруқлари-  
га асосан тақдирландилар.  
Яна шунга айтиш жоизки,  
фарзанд тарбияси ҳаёт та-  
рибасига таянган ҳолда олиб  
борилса, менимча катта на-  
тижалар беради.

**Нафиса РАВШАНОВА,**  
ёзиб олди.

**Суратда: Ф. Ҳақбердиева**  
(чапда) ҳамкасбаси Г.  
Шафигулина билан.  
А. ТўРАЕВ сурати

## Моҳият

Аёлсиз ҳаёт тон-  
ги ва оқшоми  
заиф, кундузи эса  
— гамгин бўлиб  
қолар эди.

П. БУАСТ.

## •Қутлов

Матлуба  
НИҒМОНОВА,  
Республика  
прокуратурасининг  
фүқароларни  
қабул қилиш ва  
аризаларни кўриб  
чиқиш бўлими  
катта прокурори



Юртдошларимни, ҳамкасбаларимни Қурбон ҳайити ҳамда 8 -  
март Ҳалқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан муборакбод  
этаман. Ҳамма-ҳаммаларига мусавффо осмон, хонадонларига файзу  
барақа, тинчлик хотиржамлик тилайман. Оналаримиз ҳеч қачон  
фарзанд доғини кўрмасин.

2001 йил мамлакатимизда «Она ва бола йили» деб эълон қилин-  
ган. Бу давлатимизнинг аёлларимизга ва келажагимиз эгалари  
бўлган ёш авлодга нисбатан ғамхўрлигининг намунаси дидир. Аёллари  
қадр толган юрда ёшу қари, барча қадр топади.

Тилагим — оилаларимизда она ва боланинг қадри бундан ҳам  
юксак бўлсин. Зеро, кимки ўз аҳли аёлини қанчалик эъзозласа,  
ўзининг ҳам қадри шунчалик баян бўлади.

## ИБРАТЛИ УМР

# ҲАЁТНИНГ СЎҚМОҚЛИ ЙЎЛЛАРИ

Аёл! Бу сўз поклигу нафосат, садоқат мардлик  
тимсоли. У — она, опа, сингил, ёр. Бутун борлик  
мавжланади унинг борлиги билан. Яхшилик, эзу-  
лик, меҳр-муҳаббат, саховат ришталари мустаҳ-  
камланади, у бор жойда. Уша ерда камол топади  
инсон авлоди. Шунинг билан улғудир аёллар зоти.

Людмила Алиева ана шундай аёллар сираси-  
дан. У эл ҳурматига ўзининг меҳнати ва илми  
билан эришган. Олди оилада улғайган Людмила  
болалигиданоқ ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилар-  
ди. Мактабни тугатгач, бир неча йил ТошДУнинг  
ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширди.  
Имтиҳонлардан ўтарди-ю, саралашда омади кул-  
масди. Катъийлик ва бир сўзлик унинг мақсади-  
ни тақдирга айлантди. 1974 йил сирдан ўқишга  
кирди. Талабалиқнинг иккинчи йилдаёқ вилоят  
прокуратурасининг бўлимига бошчилик қилди. Сўнг  
корхонада ҳуқуқшунос маслаҳатчи, вилоят адво-  
катурасида адвокат, Ф.Хўжаев туман ҳуқуқий мас-  
лаҳатхонаси мудир вазифаларида фаолиятини  
давом эттирди. Мана, 1992 йилдан бери Бухоро  
вилоят ҳўжалик суди раиси лавозимида ишлаб  
келмоқда.

— Илгари ҳўжалик суди ҳозиргидек мавқега эга  
эмас эди, — дея эслайди опа. — Фақат ташкилот,  
корхоналар ўртасидаги низолар қўрилларди. Мам-  
лакатда ўтказилаётган ислохотлар улкан ўзгариш-  
ларга олиб келаяпти. Энди шахслар хоҳ юридик,  
хоҳ жисмоний бўлсин, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя  
қилишга ҳаракат қилади.

Л.Алиеванинг соҳасига бўлган талабчанлигини  
унинг ҳар бир сўзидан англаш мумкин.

— Биласизми, ҳар бир раҳбар ўз ҳуқуқларини  
билса, билими етарли бўлса, ҳуқуқшунос масла-  
ҳатчидан қонунийликни талаб қилса, низолар ту-  
ғилмайди. Пайдо бўлганда ҳам ўша ернинг ўзида  
қонун доирасида ҳал этилади. Судга келиб давлат  
божи тўлагандан кўра, ҳуқуқшунодан маслаҳат  
олиб, қонуний фаолият юргизиш мумкин-ку.

— Инсонни лавозим эмас, ақл ва билим безай-  
ди, — дейди камтарлик билан опа.

Ҳа, айнан ақл ва билим Людмила Николаевна-  
нинг ҳаётдаги етакчи шир бўлди. Кўп йиллик  
хизматлари учун ҳукуматимизнинг фахрий ёрлик-  
лари, «Меҳнат фахрийси», «Шухрат» медаллари  
билан тақдирланган. Бугун Л. Алиева республика  
бўйича вилоят ҳўжалик судига раҳбарлик қилаёт-  
ган ягона аёл.

— Аёл сифатида раҳбарлик лавозимида ишлаш  
жуда мураккаб. Бирок, ўғлим ва қизим ҳаётда  
менга яқин кўмакдош, — дейди опа жлмайган  
куйи. — Касбимдан фахрланаман. Қайси ҳуқуқий  
идорада ишлайман, барига бирдек қўнгиб қўйиб  
ишлаганман. Чунки, орзумага қўйинчилик билан  
эришганман.

Бу аёлдаги меҳнатсеварлик, ўзига бўлган ишонч  
унга янада улғуворлик бағишлайди. У хизмат фа-  
олияти даврида кўп тўсиқларга учраган. Лекин ҳар  
қандай вазиятда адолат, ҳақиқатга интилди. Ҳаёт-  
нинг сўқмоқли йўллари ортада қолдирди.

Людмила Алиева билан сўхбатда бир ҳақиқат-  
ни англадим. У киши каби адолат, қонун устувор-  
лиги йўлида фидойи аёллар юртимизда беҳисоб.

Меҳринисо ХУСАИНОВА,  
журналист



# ҚАДРИ БАЛАНД, НАСИБАСИ БУТ

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Отжонининг, онажонининг иссиқ бағридан чиқиб, янада иссиқроқ бағир излаган, ўзларининг умрбодлик масканларига интилган сулувларим, жонларим! Сизлар билан икки оғизгина гаплашсам тинглайсизми? Сирли ва ширин хаёлларингиздан кечиб мени эшитишдан зерикмайсизми? Сизлар ўт, олов, шиддат, журъат, хайқирган тўлқинсизлар, шу дамларда. Бир лаҳзага тўхтатиб сўз қотсам, ранжимайсизларми? Ўжарларим, ширинларим, бу сўзларни илло Сизларни яхши кўргангидан айтаётirman...

Эртага тўй. Ҳаяжонли дамлар, югур-югурлар бошланиб кетган. Янги рўзгор барпо бўлапти, ахир. Еш оила — соғлом, бақувват, руҳи тоза бўлармикин? Бу югур-югурларнинг, саёй-харахатларнинг натижаси ҳаммани суонтирармикин? Икки ёшнинг гулгун, мамнун чера-ларига боқиб, кечаги ташишларни унутармикимиз? Оила кураётган икки ёш бахтли, тинч бўлса икки томоннинг ҳам ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалла-ю қишлоқ аёли мамнун бўлади. Сизларнинг шод нигоҳларингиз ҳамманинг кўнглига чирок ёқади. Азизларим, булар ҳақида алоҳида гаплашамиз. Ҳозирги сўзим ниҳоқ кўйлаги ҳақида...

Тўйнинг югур-югурлари, меҳмонларнинг, қариндошларнинг, кўчаларнинг кўнглини олиш, табиийки ота-оналарнинг ва кўевнинг зиммасига кўпроқ тушади. Келинчакнинг ташишлари ҳам оз эмас, унга охиёғга учаётган безорор кўшчам, бахтнинг муҳаббатнинг қафасига бошини эгиб берган хуррак оғушам. Сизнинг кўнглингизда галаёнлар, хавотирлар беадад... Бу тўлқинларни меҳр, муҳаббат деган соқчиларингиз бостиради. Эртага қиядиган либосингиз ҳақида ширин хаёллар сура болайсиз. Аввало ё онангиз, ё кўев тараф Сизнинг эркаликларингизни бош устига кўйиб, этаклари парларали, ёқаси очич, ҳарир кўйлакни топиб ҳам беришгандир...

Ой келинлар, кун келинчакларим! Бу кўйлақда бўйингиз, билалқарингиз, елкаларингиз кўриниб туради-ку, майлими? Ниҳоқ кечаси келинчаклар илоғий бир нур билан қоршиб, янада гўзаллашиб кетарканлар. Унинг ҳуснини томоша қилгани ҳавас билан ой тикиларкан, юлдузлар билан талашаркан. Мо-моларимиз келинчакнинг жамолини қозғаниб, юзига ҳарир парда ташламоқчи расм қилган эканлар. Келинчаклар, ҳали кўевингиз-да, тўйиб журъат қилиб боқолмаган юзингизга ёт нигоҳлар тушса майлими? Ахир, бу даврада хар хил одамлар, хушёр эмаслар ҳам бор...

Илгар келинчаклар чилласи чиққунча бегоналарга кўринмаган. Унинг ой жамолидан баҳраманд бўлмоқ ўзининг тан маҳрами — кўевигагина насиб этган. "Қизил тўйлар" бировларга қарам пайтимизда, жуда сокинлик билан қилиб келди ҳаётимизга. Келинчаклар аввал рўмол ёпиқиб, ўялиб, бора-бора бош-яланг, дадиллик билан, энди эса очик-сочик чиқадиган бўлишди. Буниси ҳам қамдек, базм охирида келин-кўевнинг рақс тушишини айтмайсизми? Воҳ, ўйинчароқларим, шуларим, илоҳо умри ўйин-кўпугу билан ўтуруларим, чимилдик ортида ибто, ҳаё билан туришларингиз бундан гўзалроқ эмасми? Даврада маст-аластар бор ахир, кимнингдир гаразли кўллари кўйлагингизга тегиб кетса нима бўлади? Фурури мусулмон оиласи бу ҳолни кечира олмайди. Сизни, келинчим рақс тушишини билмас экан, деб ҳеч ким маломат қилмайди. Аксинча, ҳаёли, акли эканингиздан фахрланиб юришадди.

Яқинда қишлоқ тўйларидан бирода бўлдим. Келинчак елкаси очик ҳарир кўйлақ-фатани кийиб ясанмоқда эди. Чимилдик атрофида ўтирган момоларнинг кайфияти бўзиди:

— Бу қанақа кўйлақ, келин деганинг шарм-ҳаёси бўлмайдики, вой ўлай!.. Келинчакнинг онаси изох берди:



## ОЙ КЕЛИНЛАР, КУН КЕЛИНЧАКЛАР...

— Нима қилайлик, меням, отасиниям галичи олмас. Ҳамма қизлар кийганда мен киймаимани, деб туриб олди. Бўлмаса, тўй бўлмайди деб шарт қўйди. Бир кеча кийгани учун йигирма минг сўм тўлашимиз керак экан. Молимизни сотиб, сепга яратган эдик. Яхшироқ гилам ололмай хижолат-да турсак, бу кўйлаги ҳам чиқди. Қуда тарафининг ҳам ҳолини кўриб турибмиз-ку. Уларни-да қийнасак бўлмас. Бу бешмар кўйлақка қайдан пул топиб берамиз деб қийнаиб турибмиз...

Ҳой эрка киз, шаддод келинчак. Отанонанинг аҳволига раҳмингиз келмаса, кўев тарафининг бор-йўғи билан хисоблашмасангиз, Сиз кураётган оиланинг аҳволи қанақа бўларкин?

Тошкентдаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг ресторанида бир тўй бўлди. Келинчак дин пешволаридан бирининг қизи экан. У ердаги хашаматларга гап йўқ. Халол йўл билан пул топиб тўй қилаётган азаматлар омон бўлсин. Мени ажаблантирган ҳол — келиннинг даврдан чиқмай, рақс ташвётгани эди. Кийган кўйлаги ўта очик қилиб тикилган. Бу келинчак рақсга тушиши учун тўй бўлаётгани, деб ўйлайсан, киши.

Мана, яқинда Самарқанд туманидаги бир ўқитувчи аёл Қирқочидан келин туширди. Барча бобо мерос, момо мерос удумлар билан олиб келишди. Ташқарида дастурхон тузалган, куй-қўшиқ бўлапти, меҳмонлар келиб кетишяпти. Келинини дара тўрига олиб қиқини маслаҳат қилишди. Бордию, қичса ҳам, миллий кийимларда чикмоқчи бўлиб турганди келинчак. Сўнг келинчакнинг акасидан сурашди:

— Орифчон, келинчакни даврага олиб чиқайлик, нима дейсиз?

— Агар менинг кўнглимга қарасангиз-лар, фикрим шундай: отам раҳматли гоғай покиза, ҳалол, этиқодли киши эди. У

кишининг руҳлари шод бўлсин десангиз-лар, чиллаги келинчакни столга таклиф қилмай кўяқолингизлар.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Келин-кўев нима деркин, деб қизқиб тургандик. Кўев қўлини кўксига кўйиб, ҳўп бўлади, деди. Келин уялиб, бошидаги рўмолни пастроқ тортиди. Меҳмонлар ҳам "Кўев-келинини нега давра тўрига олиб чиқмадинглар?" деб суроққа тутмади...

Келинсалом маросимини бошлашди. Мен суоиб, чин кўнглидан умримда биринчи мартаба келинсалом айтдим. Аёллар ҳам, келинчак ҳам хурсанд бўлишди. Момолар епинчак ёпинчак келинчакни ўчоқ боши билан, сурпа-ўқлов билан тазо-чиқиб қўйишди. Тўйга келган қано-казо меҳмонларни кўрмагани учун келин-бола ҳафа бўлгани йўқ.

Фалон сўмга, бир кечага ижарга ниҳоқ кўйлаги олмасам ҳам тўй ўтар экан. Қайтага чиройли ўтар экан.

Фақат бизнинг фахримиз бўлган атлас килирнинг кўзини қамаштирмайди, ахир? Атлас ҳеч қачон урфдан қолмаган. Ҳам кўп чиқим талаб қилмайдиган, ҳам сизнинг шаънингизни тўқмайдиган, одатларимизга, одобимизга хилоф бўлмаган кийимларни ижод қилинг. Кўнглингиздан келса ўзингиз тикинг. Матоларга жон киргизиб юборадиган қандоқ чеварларимиз бор. Уларнинг хизматидан фойдаланинг.

Ой келинлар, кун келинчаклар, ой юзингизни, кун кўзингизни ёт нигоҳлардан асранг. Ҳеч бўлмаса ўз миллий кийимларимизни кийинг. Алп йигитлар, кўев йигитлар, нозанинларингизни шунга кўндингиз, агар сизни севса, гапингизга кирса...

**Ҳосият БОБОМУРОВОДА,  
шоира,  
Самарқанд**

## Тахриратлар:

Севилим шоиримиз Ҳосият Бобомуродованинг ушбу мақоласини беришдан олдин бироз иккиландик. Ҳор қолой, байрам арасида. Сал нокулай эмасмикан... Бирок, байрам баҳона аёлларимиз, келинларимизга баҳор кўчовчи, шодлиғини тиллаган ҳолда, шоира опамизнинг фикрларини ҳам беришга қарор қилдик. Зеро, "ой келинларимиз, кун келинчакларимиз" юрагимга қириб келган баҳор гўзаллиги, миллийлигимиз билан уйғунлашиб кетса қанийди! Қолаверса, байрам баҳона дилбар аёлларимизни бахсга қаролаш ниятими ҳам йўқ эмас. Махтубларингизни кутимиз.

## ТЎЙГУ

### Тўйлар

Ўзларида пардаи ибто  
Ниҳоққа тушмас ниҳоқим.  
Янаиб турар теғрада, аммо  
Соғинаман уларни гоғи.



Қадрларга кийгани яши,  
Кафтларида юракнинг расми.  
Келинчакдай эзилган боши,  
Улар қайси мардларнинг хасми.

Бир-бир разм солинг уларга —  
Лов-лов ёнар орзиққан диллар.  
Ўхшаб турар муслимларга  
Севиш учун яратган гуллار.

Ҳасан ҚАРВОНЛИ

## КАСБИНИ ШАРАФ БИЛГАНЛАР

# АЁЛ ЛАТОФАТНИИ ЙЎҚОТМАСЛИГИ КЕРАК

— Ўғлим бу йил "менинг ва Сизнинг йилингиз" дейди. Кувониб кетаман. Ҳеч бир жамиятда оналар биз каби эъозланган эмас. Ҳукуматимиз оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор қонунлар, қарорлар қабул қилмоқда. Энди гап ўзимизда. Бу қарорлар ихросини тўлақонли таъминласак, бизнинг оналаримизда бахтли оналар бўлмайди дунёда. Ва шубҳасиз, фарзандларимиз ҳам комил инсонлар бўлиб етишадилар. Модомики, прокуратура қонунларининг бир хилда ижро қилинишини назорат этаркан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунлар ихроси устидан назоратни янада кўчатириш прокуратуранинг "Она ва бола" йилидаги бирламчи вазифаларидан бўлиб қолади.



... Замира Маткаримова қатъият билан фикр билдиради. Зеро, унинг назарида қатъият, билим ва ҳолислик инсонни камолотга етакловчи воситалардандир. Кўрган-кечирганлари, орзулари, ташишлари ҳақида саволга тутаман.

— Аёллим, яхши прокурор бўлмаслигимга баҳона бўлолмайди, — дейди у. — Шу касбни танаддимиз, уни ҳурмат қилишим ва яхши ишлашим шарт.

Замира прокурор бўлишни орзу қилганида беш-олти яшар қизалоқ эди. Ойнаи жаҳонда томоша қилгани "Улар котиллиқда айбланадилар" фильми қизалоқни илк бор жиддий фикр юритишига ундади. Фильмдаги прокурор образи тоабда ҳаёлида муҳрланиб қолди. "Мен ҳам прокурор бўламан", деб ўз-ўзига ваъда берди.

Бирок омад инсонга ҳақиша ҳам қулиб боқавермайди. Мактабни тугатган йили Замира ўқишга киролмади. Вилоят судига хат ташувчи бўлиб ишга жойлашди. Ниҳоқ, учинчи йил омад унга қулиб боқди. ТошДунинг ҳуқуқшунослик факультети талабаси бўлди ва уни имтиёзли диплом билан таомомлади.

1984 йил эди ўшанда. Хоразм вилоят прокурори ҳузурига ҳаяжон билан кириб келди. Прокурор бир қатор саволларга жавоб олган, — Сиз Богот туман прокурори ёрдамчиси — иш ўрганадиган бўлиб ишлайсиз, — деди.

Кўп ўтмай вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори лавозимига тайинланди. Кейинчалик қонунчиликни муостаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартибот, кадрлар бўйича вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида ишлади. Айни пайтда Урганч туман прокурори ёрдамчиси.

— Аёлни оғизга дейишди. Лекин мен ҳеч қачон аёллигимни баҳона ёки пеш қилишни истамайман. Иш куним ҳамма прокурорларникидек. Эрталабки саккиздан ярим тунгача, баъзида ундан ҳам кўпроқ. Ярим кечаси уйга борган, қир юваман, нон ёпаман, — дея, Замира опа жилмайиб қўяди.

Замира опа билан суҳбатимиз турли мавзуларни қамраб олади. Прокурор жиноятчилик ва уни олдини олиш ҳусусида мулоҳазаларини куйинчаклик билан ўртоқлашади.

Инсоннинг нормал турмуш кечирishi учун ҳамма шароит муҳайё жамиятдан ҳам жиноятчилар ўз айбларини ҳаспўшаш учун иллат ахтарадилар. Улар аслида жоҳил, тубан кимсалардир.

Бугун кўпгина аёлларимиз тадбиркорлик билан шуғулланиб нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам иш билан, маош билан таъминлаётдилар. Бошқалари эса аксинча, текин даромадни деб атрофдагиларни ва ўзини бадном қилмоқда. Ўзингиз айтинг, гиёҳвандликка берилган аёлни қандай оқлаш мумкин. Менимча, гиёҳванд моддалар тарқатиш уруш эълон қилишининг бир тури. Бугун алдовларга учган айрим аёлларимиз ўз қўллари билан болаларини, келажагини заҳарламоқда. Бунга қарши ҳаммамиз курашишимиз лозим.

— Байрам арафасида мамлакатимиз аёлларига тилақларингиз.

— Аввало соғлиқ ва бахт тилайман, юртимиз тинчлиги, кунларимиз осойишталиги — юрагим тубидаги энг улкан ниятим, ҳамма оналар фарзандлари камолини кўрсин. Ҳеч кимнинг боласи ношуд қилмасин. Қолаверса, аёл хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ прокурор, хоҳ тадбиркор ёки оддий уй бекаси, аввало аёл бўлиб қолсин!

**Мўҳаббат ТўРАБОЕВА,  
журналист**

## «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасига прокуратура ходимларининг тақлифлари

Комилжон СИНДОРОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратурасининг умумий назорат бўлими катта прокурори, юридик фанлари номзоди:

— «Прокуратура тўғрисида» янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг қизгин муҳокама этилаётгани прокуратура идораларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни катта эканлигидан далолатдир.

Ҳозирги пайтда прокуратурага бўлган муносабатни шартли равишда 3 та гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ вакиллари прокуратура идораларини жамиятимиз учун зарур деб ҳисоблайди. Бундай фикрдагилар кўпчиликни ташкил этади. Иккинчи гуруҳдагилар эса «прокуратура идоралари шўролар даври асорати, у жамиятимиз учун шарт эмас», деган фикрни илгарти сурадилар. «Прокуратура идораларига жуда катта ҳуқуқлар берилган, бу эса ҳуқуқий давлат қуришга ҳалақат беради, суд ҳокимиятини йўққа чиқаради», деб ҳисобловчилар эса учинчи гуруҳ вакилларига мансуб бўлганлардир.

Мен кейинги икки гуруҳ томонидан билдирилган муносабатларга тўхталмоқчиман.

Ҳар қандай давлатда қонунларнинг ба-жариллиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус орган бўлади. У ҳоқ «прокуратура», ҳоқ «давлат назорати» ёки бошқача бир ном билан аталмасин, барибир битта вазифани — фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан қонунларнинг оғинамай бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қани энди давлатнинг ҳар бир идораси ўз вазифасини қонунга мувофиқ, рисоладагидек адо этса. Унда прокуратура керак бўладими? Албатта, йўқ. Биз умид қиламизки, ҳали шундай кунлар келади ва бир сўз билан айтганда, қонун бузилишларининг ҳар қандай кўринишларига барҳам берилади.

Айримлар прокуратуранинг фақат «қораловчи», одамларни қамоққа олувчи идора сифатида билиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Базилар эса прокуратуранинг жамиятимиз учун зарурлигига ҳам шубҳа билан қарайдилар. Собиқ иттифоқ даврида прокуратура қўли билан содир этилган ҳузурликлар балким бундай қарашларнинг шаклланишига замин яратган бўлса ажабмас.

Ана шундай муносабатлар эътиборга олиниб, янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг 1-моддаси «Прокуратура Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан ташкил этилган ягона марказлашган тизимга эга бўлган ҳамда қонунларнинг аниқ ва бир ҳақида бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган махсус давлат органидир» деб ўзгартирилса, менимча тўғри бўлади.

Юқоридагилардан ҳулоса чиқариб айтадиган бўлсак, айримларнинг прокуратура идораларига ҳаддан ортқ катта ҳуқуқлар берилган ва бу суд ҳокимиятини амалга оширишга тўсқинлик қилади, деган фикрлар асосидир. Янги тахрирдаги қонун лойиҳасига кўра прокурор судда бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади, судьяларнинг мустақиллиги ва қонунга буйсуниши таъминлиги риоя этади. Прокурорнинг судда иштирок этиб, далил исботларни ўрганишда қатнашиши, ўз фикрини баён этиши ҳеч қачон суд мустақиллигига соя солмайди. Аксинча, суднинг алоқалли ўтишига имкон беради.

Прокурорнинг суд ҳукми, қарори, ажрими ва ҳал қилув қарорига протест келтириш ҳуқуқи ҳам суд мустақиллиги таъминлигига заррача раҳна солмайди. Чунки прокурор суднинг қарорларини қонунсиз деб ҳисоблаганда уни ўзи бекор қилмайди. Балки, суд хатоларини тузатишни юқори поғонадаги судга ҳавола этади. Бу билан алоқат қарор топишига хизмат қилади.

Бу «механизм»нинг тўла-тўқис ишлаши учун энг аввало прокурорнинг суд жараёнида эркин қатнашиши, фикрлар билдириши, суд қарорларини монеликисиз талаб қилиб олиб, ўрганиб чиқиши учун ҳуқуқий база яратилмоғи керак.

Шу муносабат билан лойиҳанинг 27-моддасининг биринчи банди «Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда ишлар судда қўриб чиқиладиган иштирок этади, ўзи алоҳид тоналган ҳолларда эса барча ишларда иштирок этишга ҳақли» тарзида баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

## • Мустақилликнинг ўн йиллиги олдида

Мустақилликнинг ўн йили улкан имкониятлар яратиш билан бирга, халқимиз онги ва шуурида катта бурилиш ясади.

Тарихнинг буюк тарбияловчилик аҳамияти тикланди. Бугун боғча боласидан сўрангангиз ҳам Алишер Навоий, Бобур, Улугбек, Амир Темура, Чўлпон, Фитрат, Авлоний каби даҳоларимиз тўғрисида тўқинлаиб, фахрлиб гапиришад.

«Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастури наслий, рўхий, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний соғлом, жасур, мард, ватанпарвар фарзандларни тарбиялаш, келажакда соғлом миллатни, соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақидаги баҳс-мунозара тобора жонлиб, нафақат ёшларни, балки турли ёш ва турли касбдаги одамларни ҳам бефарқ қолдирмаётти десак, муболага бўлмайди.

Бугунги кунда Конституцияга муносабат ўзгарди, унга бўлган эътиҳ ва ҳурмат тобора ортиб бормоқда. Ахир биз ҳуқуқий демократик жамият қуриш сари интилоқдамиз. Шунга кўра, Конституция — келажак қомуси эканлигини, айниқса ёшлар англаб етмоқда.

Миллий ғоя ва унинг курашчан тизими шаклланимоқда. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш — пировард мақсади»



# ИСТИҚЛОЛ ВА ИЖТИМОЙ ОНГ

**Халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш Мустақиллик бахтли келажакимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳар биримиз Ватан олдидаги фуқаролик бурчимизни теран ҳис этиб, истиқболдаги вазифаларимизни яна бир қарра янгича тафаккур таҳлили асосида белгилаб олишимиз зарур.**

мас, асосий миллий ғоямиз бўлиб, халқимиз қалбига сингиб бормоқда. Ҳеч бир миллатга хос бўлмаган шарқона маданият, шарқона муносабат, ўзбекона меҳр-муруват, андиша, ибодати хусусиятлар янги аср шахсига хос сифатларга айланаяпти. Бир сўз билан айтганда, янгича фикрлаш шаклланди.

Маҳаллага берилган ўз-ўзини бошқариш эркинлиги миллий демократиянинг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айни пайтда маҳаллийчилик уруғ-ай-

моқчилик, тўрачилик, таъмагирлик каби эски тузумдан қолган иллатлар ўз-ўзидан йўқолиб бормоқда. Ҳаётнинг паст-баландлини биладиган нурунийлар, оксоколларнинг нуфузи ортмоқда. Маҳалла йиғинлари, байрамлар ва тўй-ҳашамларда ёши улғу боболар, момолар мустақиллик осонликча қўлга киритилмаганлиги, дин-диёнат тикланганлиги тўғрисида дилдан, ҳатто кўзларидан ёш билан гапиришмоқда.

Юртбошимиз асос солган кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизда шахс масаласи, комил инсон тарбияси масаласи кўйилган. Шундан келиб чиқиб, узлуksиз таълим тизимини ривожлантириш, замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбияга жорий этиш масаласи амалга ошмоқда. Бу борада чет эл тажрибалари, илгор ютуқлар ўрганилмоқда. Олий ўқув юртилари базисида ўқув-илмий ишлаб ўқув комплекслари ташкил топиб, фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш муаммолари ҳал этилмоқда.

Ушбу айтилган фикрлар муболага ёки баландпарвоз сўзлар эмас. Ўзликни англаб, истиқлол ғояларини онг-шуурига жо айлаб, мустақиллик қадрига етаётган халқимиз тўғрисида, бугунги шаклланиётган ижтимоий онг тўғрисида, бахтли ва фаровон ҳаёт курмоқ йўлида фахатгина фидойилик билан меҳнат қилиш тўғрисида дил изҳори баён этилди, холос.

**Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ,**  
Гулистон Давлат университетининг  
илмий ишлар проректори

## ШАРҲ

Олий Мажлисининг 2-қачириқ 4-сессиясида қатор қонунлар қабул қилинди. Улардан бири «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонундир.

Собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган барча қонунлар ўша тузум манфаатини кўзларди. Фуқаролар эса «қонун лойиҳалари», «уларнинг умумхалқ муҳокамаси», «тақлиф ва мулоҳазалар» каби тушунчалардан йироқ эдилар. Истиқлолга эришгач, онгимизда демократик фикр ва қарашлар шаклланди. Мустақилликимизнинг дастлабки йиллариданоқ ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонун ҳужжати мукамал ўрганилиб, кенг миқёсда умумхалқ муҳокамасига киритилиши, улар юзасидан тегишли тақлифлар олиниши, фуқароларнинг яратувчилик фаолиятига жалб этилиши таъминланди. Олий Мажлисининг қонун ихоридорлиги фаолияти янада тақомиллашди.

Демократик жамиятда «тўртинчи ҳокимият» деб ном олган оммавий ахборот воситаларининг қонун лойиҳалари муҳокамасидаги иштирокининг муҳим аҳамият касб этиши 6-моддада алоҳида белгилаб қўйилган.

Қонуннинг иккинчи боби «қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари кафолатлари» деб номланади.

Мазкур бобда фуқароларнинг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида ихтиёрли иштирок этиши, тенг ҳуқуқлиги, бу масала билан боғлиқ тадбирларнинг ошқора ва очиқ ўтказилиши, иштирок этишга ҳеч ким монелик қилишга ҳақли эмаслиги, ҳужжат лойиҳалари юзасидан ўз фикрларини эркин билдириши, мажбур қилиниши мумкин эмаслиги кафолатланади.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, қабул қилинаёт-

## ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ:

Ана шу ижтимоий жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, тартибга солиш мақсадида юқорида номи тилга олинган қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун республикада илк бор қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг асосий мақсади жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига қонун ҳужжатлари қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат (1-модда).

Қонун 5 боб, 27 моддадан иборат бўлиб, биринчи бобда умумий қоидалар ёритилган. Унда қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бу тадбирнинг асосий принциплари, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқлари ифода этилган.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари кимлар бўлиши керак, деган саволга жавобни 4-моддадан топамиз. Унга кўра фуқаролар, давлат ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари муҳокама иштирокчилари бўлиши мумкин. Шу билан бирга, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари бу жараёнга жалб қилиниши қўрсатилган. Фуқароларнинг умумхалқ муҳокамасида эркин иштирок этиши, тегишли идораларга тақлиф ва мулоҳазалар киритиши, тадбир билан боғлиқ учрашувларда қатнашиши 5-моддада ўз аксини топган.

## ТАРТИБ ВА ҚОИДАЛАР

ган ҳар бир қонун мукамал бўлиши, халқимиз манфаати ва давлатимиз ривожини учун хизмат қилишини таъминлаш мақсадида лойиҳа юзасидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазаларни синчилаб ўрганилишига алоҳида урғу берилган.

Жумладан, лойиҳа юзасидан келиб тушаётган ҳар бир тақлиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинади, ўрганилиб чиқилади, таҳлил қилинади. Бу ишга экспертлар, мутахассислар ҳамда олимлар жалб қилиниб, муҳокама тадбирлари уюштирилади (15-модда). Тақлиф ва мулоҳазалар яқка тартибда ва жамоа тарзида, оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади (19-модда). «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси ҳозирда умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Тақлиф ва мулоҳазаларни қўриб чиқиш натижалари умумхалқ муҳокамаси яқунларидан кейин Олий Мажлис депутатлари ҳукмига ҳавола этилади (24-модда).

Қонуннинг сўнгги бобда яқунловчи қоидалар баён этилган бўлиб, унда қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунларини Олий Мажлис қўриб чиқиши, натижаси бўйича қонунни қабул қилиши, лойиҳани қўшимча равишда ишлашга юбориши ёки рад этиши, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши белгиланган.

**Раҳматилла АБДУРАСИМОВ,**  
Республика прокуратурасининг  
бошқарма прокурори



«Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасига прокуратура ходимларининг таклифлари



Зулфия РАЗЗОКОВА, Навоий вилоят прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси:

— Аввало шу нарсани айтиш керакки, қонун моддалари ихчам, тўлақонли ишлаб чиқилган. Аммо, унинг баъзи моддалари айрим-айрим билан бойитилса, қонун янада мукамал бўларди.

Жумладан, лойиҳанинг 13-моддасида Республика Бош прокурорининг ваколатлари кўрсатиб ўтилган. Шу модданинг 10-хатбосида прокуратура органлари ходимларини "...Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўркак нишони билан тақдирлайди", деган сўзлардан кейин, "ваколат доирасида ходимларни рағбатлантириш ва шитизмий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиди", деган жумлани киритиш лозим.

Қонуннинг 38-моддасидаги "Прокуратура органларига лавозимга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида"ги 1-банднинг 2-хатбосидаги "Прокурор-тергов" деган сўзлардан олдин "Аттестациядан муваффақиятли ўтиб, мустақил" деган сўзларни қўшиб, "Аттестациядан муваффақиятли ўтиб, мустақил прокурор-терговчи лавозимига биринчи марта тайинланадиган фуқаролар қасамд қабул қиладилар", деб таъкид қилинган.

Чунки, Республика Бош прокурорининг амалдаги буйруқларига асосан прокуратура идораларига биринчи бор ишга қабул қилинган ҳар бир ходим 1 йил мобайнида иш ўрганиш, яъни стажёрлик фаолиятини ўтагандан сўнг, аттестациядан муваффақиятли ўтган тақдирдагина мустақил лавозимга тайинланади ва қасамд қабул қилади. Бу жараён прокуратура идоралари ходимларига маълум бўлса-да, аммо кенг ҳалқ оmmasига тўлиқ маълум эмас.

Шу модданинг 2-банд 5-хатбосидаги "кичик бўлмаган", деган сўзлардан кейин "етарли иш стажига эга бўлган" деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, Республика Бош прокурорининг амалдаги буйруғига асосан, прокурор лавозимига тайинланиш учун 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш лозим.

ПРОКУРАТУРА ВА ГАЗЕТА ҲАМКОРЛИГИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

# АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

## ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ БИЛАН АСОСИЭ СУД ҚАРОРЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура фаолиятининг муҳим таркибий йўналиши ҳисобланади. Бу муҳим вазифа журналистларга ҳам баб-баравар тегишли. Ариза ва шикоятлар кўриб чиқилишига виждонан муносабатда бўлиш прокуратура қатори матбуот ходимларининг ҳам хизмат ва инсоний бурчидир. Олижаноб мақсадга эришишнинг энг яхши йўли прокуратура идоралари билан изчил ҳамкорлигимизда намоён бўлмоқда.

Ўтган йилнинг июль ойида таҳририятга келган ариза ва хатлар орасида Тошкент шаҳри Сирғали туманида яшовчи иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси Мақсудбек Юсуповнинг шикояти ҳам бор эди. Ёши бир жойга бориб қолган отахонни кўлига қалам олишга нима мажбур қилди экан?

Маълум бўлишича, Мақсудбек ота чадаи олманган ноҳақлик шу туманда яшовчи ўқитувчи А.Раҳимбоев ва ишчи М.Утеповнинг ҳам маҳаллада бошини ҳам қилиб қўйибди.

Шикоятда ёзилганидек, чиндан ҳам ноҳақлик рўй берганми? Туман судининг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган уч нахкирон йигитнинг оталарини газета ва прокуратурадан наҳот излашга ундаган адолатнинг чегараси қаердан ўтади ўзи? Саволларга жавоб топиш эса ҳаммиша ҳам осон бўлавермайди.

Гап қандай ноҳақлик ҳақида келтирилганини тушуниб олиш учун Сирғали туман суди ҳукмига муурожаат қилайлик.

1999 йилнинг 13 ноябрь куни кеч соат 23 ларда Бахтиёр Раҳимбоев, Мурат Юсупов ва Нурбек Утепов Сирғали тумани "Спунтик-16" мавзесидаги 1-йилнинг олдида ўтиришганида шу ердан ўтиб кетаётган Ринат Турдиевни учратиб қолишди ва ўзганинг мулкни боқснччилик билан талон-торож қилиш мақсадида олдиндан жиноий тил бириктиришиб, Р.Турдиевга ҳужум қилишиб, соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатишиб, Р.Турдиевнинг бўйнидаги 19000 сўмлик тилла занжирини Б.Раҳимбоев тортиб олади (таъкидлар бизники) ва жабрланувчининг эғнидаги чарм куртқасини ечиб олмоқчи бўлганида ҳодиса жойига етиб келган милиция ходимлари томонидан кўлга олинди.

Боқснччилик жинояти учун Жиноят Кодексининг 164-моддасида тегишли жазо турлари белгиланган. Суд айнан шу модданинг 2-қисми "б", "в" бандлари билан Бахтиёр Раҳимбоевни 9 йил, Мурат Юсупов ва Нурбек Утеповларнинг ҳар бирини 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган.

Нима учун судланувчилар бундай жазага тортидилар? Буни ҳукмдан англаш анча қийин. Фикримиани далиллаш учун жиноий иши ҳужжатларини ҳукмда баён этилган суд ҳулосалари билан таққослайлик.

Дарҳақиқат, иш бўйича аниқланган ҳолатлар жиддий эътибор талаб қилади. Ундан кўринадики, 1999 йил 13 ноябрь куни кеч соат 9 ларда судланганлар - Бахтиёр Раҳимбоев, Нурбек Утепов, Мурат Юсупов ҳамда гувоҳлар - Э.Турди-

беков, С.Қодиров, Р.Қодиров, С.Бадалов Сирғали туманидаги "Қипчок" маҳалласига тўйга боришади. Тўй базмида Бахтиёр терговда аниқланмаган нотаниш кимса билан уришиб қолади ва уй эгаларининг аралашуви билан жанжалга чек қўйилади. Тўй охирида, меҳмонлар кетиш тараддудида кўчага чиқилганда 10 нафарга яқин шахс (улар ҳам терговда аниқланмаган) Бахтиёрни уриб, бурнини синдиришади. Еттовлон уйларига қайтишгаётганда Бахтиёрнинг бурнидан қон кетиши туфайли кўчада тўхтаб қолишади. Шу пайт йигитларнинг бири "Қипчок" маҳалласидан қайтаётган Р.Турдиев ва Д.Ягаффаровни кўриб қолади-да, Бахтиёрга "сени урган йигитлар шу бўлиши мумкин", деб айтади. Аччиқланиб турган Бахтиёр Р.Турдиевнинг олдида бориб, чарм куртқасининг ёқасидан ушлаганича, рус тилида шерикларини сўрайди. Д.Ягаффаров шу заҳоти қочиб қолади. М.Юсупов ва С.Бадалов унинг орқасидан юз метрларгача қувиб боришади, аммо ета олишмайди. Шундан сўнг Нурбек жабрланувчи Р.Турдиевни бир тепиб ерга йиқитади, Бахтиёр билан Мурат эса уни дўлроқлашади. Турдиев ўрнидан тургач, Бахтиёр унинг чарм куртқаси ёқасидан ушлаб турганида милиция ходимлари келиб қолишади ва улар ушланади.

Воқеанинг қисқача тафсилоти ана шундай.

Туман суди ишни бир ёклама кўргани аниқ, лекин Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати суднинг жиддий хатоларини нима сабабдан тазуудан четда қолдирганлигини наҳарини қийин.

Қаътий ҳулоса чиқаришга шошилмай, Республика прокуратурасининг малакали амалиётчиларидан ёрдам сўрашга қарор қилдик. Шикоятда келтирилган важларни ойдинлаштириш, масалага аниқлик киритиш мақсадида хат Республика прокуратурасининг судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасининг бошлиғи А.Салихов номига юборилди.

Республика прокуратурасига чакиртириб олинган мазкур жиноят иши бошқарма прокурорлари томонидан синчковлик билан малакали тарзда ўрганиб чиқилганини, улардан чўқур билим ва ҳолис ёндошув талаб қилинганини алоҳида таъкидлашни истардик.

Модомики, қаҳқатни аниқлаш жиноят процессининг энг муҳим тамойилларидан бири экан, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама ва ҳолис текшириб чиқилиши керак. Бу - Жиноят процессуал Кодексининг талаби. Аф-

суски, судда жиноят ишларини кўришда қонуннинг бу талабини бузиш ҳоллари баъзан учраб туради. Юқоридаги жиноят иши бўйича суд ҳукми ҳам бундан мустасно эмас. Тайинланган жазонинг қонунга мос эмаслиги прокурор томонидан Тошкент шаҳар суди раёсатига назорат тартибидеда протест келтиришга асос бўлди.

Муҳими шуки, судланганлар боқснччилик қилиш мақсадлари бўлмаганлигини, жиноий тил бириктирмаганликларини баён этишиб, жабрланувчини урганликларини очик тан олишган. Улар тилла занжирини умуман кўрмаганликларини тергов ва суд жараёнида ҳам айтишган. Воқеани бевоисита кўрган гувоҳлар Э.Турдибеков, С.Қодиров, Р.Қодиров ва С.Бадаловлар улар жабрланувчини ўч олиш мақсадида урганликларини, мол-мулкни эгаллаб олиш ҳақида ҳеч қандай келишув бўлмаганлигини тасдиқлашган. Терговда ҳам, судда ҳам топилмаган тилла занжиринг тортиб олиниши ҳолатини исботлайдиган далилнинг ўзи йўқ.

Аммо шаҳар суди раёсати протестда келтирилган асосли важдарни инобатга олмай уни рад этиб, суд қарорларини ўз кучида қолдирди.

Ишонч ва қаътият, ҳолисона ёндошув адолатни юзага чиқаришда албатта самара беради. Ҳақиқатни қарор топтириш, бу эзгу ишни охирига етказиш учун юқори инстанция — Олий Суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига Республика Бош прокурорининг ўринбосари томонидан назорат протести киритилди.

Нихоят, ҳақ жойида қарор топ-

ди. Олий Суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида протестда келтирилган ҳолатлар асосли эканлигини эътироф этиб, суд қарорларини ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқарди. Унга кўра Б.Раҳимбоев, М.Юсупов ва Н.Утеповларнинг жиноий ҳаракатлари ЖК нинг 164-моддаси 2-қисми "б", "в" бандларидан 277-модданинг 2-қисми "а", "б", "е" бандларига (безорилик) қайта квалификация қилиниб, Б.Раҳимбоевга 3 йил, М.Юсупов ва Н.Утеповга 2 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги Фармони-нинг 2-моддасига асосан Б.Раҳимбоев, М.Юсупов ва Н.Утеповни тайинланган жазодан озод қилди.

— Одил судлов озо татинлашда жавобгарлиқни ҳам енгиллаштириради, ҳам оғирлаштириради ҳолатларни адолат тарозисига қўйиб, инсонпарварлик тамойили асосида иш юритаётганлигини эътироф этиш керак, албатта, — дейди бошқарма прокурори Зафарбек Рустамов. — Бунга юқоридаги судланганлар тақдирини яна бир мисол бўла олади.

Лекин, афсуски асосиэ суд қарорлари чиқарилиши ҳам кам эмас. Шундай экан, фуқароларнинг, корхоналар, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда барчамиздан вазифамизга виждонан муносабатда бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилиш талаб этилади.

Б. НАЗАРОВ, журналист

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мақола материаллари ўрганилаётган кунларда озодликка чиққан уч йигитнинг оталари яна таҳририятга кириб келишди. Уларнинг чехраларида мамнуликни кўриб дилимиз ёришиб кетди. Яхшиларини дуо қилишгач, қўлиниэга хат тутқазмиш:

"Азизлар, бу мактубни қувонганимиздан ёзаялмиэ. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ёрдам сўраб ёзган аризамиз сабабли ўғилларимизнинг иши бўйича протест келтирилди. Ушбу протест қаноатлантирилиб, фарзандларимиз озодликка чиқарилиди.

Адолат учун курашда бутун куч-гайратини аямаган Республика Бош прокурорининг ўринбосари Э. Қудратовга, прокуратуранинг масбул ходимлари А.Солхўвога, А.Аҳмедов ва З. Рустамовга ҳамда бу эзгу ишга бош-қош бўлган барчага чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бундай эзгу ишлариниэ Сизларга хурмат ва обрў келтиришиэа ишонамиэ. Ахир, шу бағрикенг халққа, инсонларга яхшилик қилишдан кўра эзуеруқ нарса бормиқин дунёда!

Хурмат билан  
М.Юсупов, иккинчи жаҳон уруши шитроқсичи.  
А.Раҳимбоев, ўқитувчи.  
М.Утепов, ишчи."

Шу ўринда Президентимизнинг адолат ҳақидаги чўқур маъноли бир гапини эсламай ўтолмаймиэ: "Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришга эмас, балки ҳаётда адолат ўрната олишга".

Бағрикенг халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган адолат қонунининг кучи ҳам шунда.

**БИР ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ**

# ЖИНОЯТЧИЛИККА ЙЎЛ

Хар гал кишлоқ ҳақида ўйлаганимда юртбошимизнинг бир гапи ёдимга тушади: "Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун хизмат қилиши керак". Ва яна ўйлаб қоламан, бу давлат катта-кичикми барча лавозимдаги раҳбарларнинг кундалик дастуруламалига айланган, улар ўз ҳудудларидаги аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилашни биринчи навбатга қўйган бўлсалар керак, деб. Қолаверса, уларнинг онг-шуурига кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари ғояси ҳам синг-дирилгани ҳам маълум-ку.

Шундай бўлса-да, янги минг йилликка қадам қўйилган айни даврда ҳам ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўядиган, ислоҳотлар гилдирагини айлантиришга қурби етмаётган айрим раҳбарлар йўқ эмас.

Телевидение орқали юртимизнинг энг олис кишлоқларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақидаги лавҳаларни кўрганда "Чаманзор" кишлоғи аҳолиси ҳавас қилади. Ай-ни пайтда ўзларида ислоҳотлар силжimai бир жинда депсиниб турганидан ачинади.

Нега шундай? Бунинг сабаблари кўп. 605 та хонадон ва салкам тўрт минг аҳоли яшайдиган бу масканда олти йилдирки, мактаб, боғча, савдо, тиббиёт, маиший хизмат шахобчалари, марказий таъмирлаш устaxonаси, 84 хонадонли кўп қаватли уйлар қишда етарлича иситилмайдди. Чунки, хўжасизлик оқибатида қозонхона ускуналари талон-тарож қилинган, иссиқлик тизимидаги темир қувурлар кесиб кетилган. Ер ости оқова сув йўллари, тозалаш иншооти, канализация насос станциялари йиллар давомида ишлатилмаганидан ахлатга тўлиб кетган.

Бунинг боиси шуки, авваллари чўл ҳудудларидаги кишлоқларда бундай иншоотлар махсус трест ихтиёрида эди. Хизмат тўловла-

рини ўз вақтида тўлолмаган хўжалик маъмурияти 1994 йилда бу мажмуани ўз тасарруфига олди. Аммо эплай олмади, шу кунданок бу соҳа иши тўхтаб қолди. Замонавий икки қаватли "Маиший хизмат уйи" хусусийлаштирилди-ю, йўналиши ўзгариб кетди. Янги мулк эгаси бу ерга тўртта оилани кўчириб келди. Ажабтовур хизмат кўрсатиб турган бичиш-тиқиш цехи, кутубхона, теле-радио устaxonаси, суратхоналар ёпилди-қолди. Бунинг оқибатида фаолият кўрсатиб турган 80 га яқин иш ўринлари қисқариб кетди.

Эгзи кинотеатр ишламай қўйди. Ҳаммом, дорихона, новвойхонага қулф осилди. Бунинг тизимида ҳам иш батамом тўхтади.

Пахтакор туманидаги "Нодира-бегим", "Навбахор" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларининг маркази ҳисобланган мазукур кўрган эгасиздек хувиллаб қолди. Раҳбарлар келиб кетаверди, одамларнинг эса турмуш тарзи ўзгармади.

Биронта раҳбар ўн йил бадалида қўшма қорхона, ҳатто цех қуриш, янги иш ўринлари барпо этиш хусусида бош қотирмади. Мехнатга ярқоли 1800 кишининг асосий қисми кишлоқ хўжалигида банд.

Еш болали 403 нафар аёл уй бекаси. Улар фақат мавсумий ишга жалб этилади.

Ўзлаб ёшлар бекорчиликни ўзларига касб қилиб олишган. Улар бўш вақтларини "мароқли" ўтказадиган ягона зусусий биллиардхона мавжуд. Узиям тонг отгунча ишлайди, ўсимрлар бунда ичкилик, видео кўриш билан машғул. Маҳаллаларда турли ўғирликлар содир этилмоқда. Шаҳарда яшаётган участка ноziри Ҳасан Туркманов ойда ақалли бир қорасини кўрсатмайди.

Фуқаролар йигини бундай ҳолатлар устидан назорат ўрнатмаган. Бу даргоҳдан қанча "ишсизлик" макомини олган

аҳоли борлигини ҳам аниқлай олмади. Ваҳоланки, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда "кишлоқ фуқаролар йигинлари ваколат доирасида ўз ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида турли қорхоналар очади", дейилган. Раис эса "бунинг учун маблағ йўқ" деб қутулмоқчи бўлади. Аслида бу жойда маблағсиз ҳам маҳаллий тадбиркорларга йўл очиб бериш имкониятлари анчагина. Масалан, кўли гўл гилам тўқувчи, кашта-сўзана тикувчи қизлар, шарқ қандолатчилиги усталари, эшик-ром ясовчи дурадгорлар, иш қуроллари, рўзғор буюмлари ясовчи темирчилар бор. Фақат уларни уюштириб устaxonа ёки цех очиб берадиган азамат йўқ. Бунинг учун бўш иморатлар ҳам етарли.

Масалага расман ёндошадиган бўлсак, Вазирлар Мақамасининг "2000 йилгача бўлган даврда кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида"ги қарори, бандлик дастурини бажариш бўйича етарли иш қилингани йўқ. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига муносабат-чи? Замонавий икки қаватли мактаб томидан кишу баҳор томчи ўтади, совуқ синфхоналардаги парталарда пальто-тўн қийган болалар учтадан ўтиришади.

"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган шир ҳали бу раҳбарлар онгига етиб келмаган кўринди.

Қиссадан ҳисса шуки, биз ўзқ бир кишлоқ ҳақида эмас, балки Жиззах вилояти Пахтакор тумани марказидан ўн чакирим беридаги бир кишлоқ муаммоларини қаламга олдиқ. Ва умидвор-мики, вилоятдаги мутасадди раҳбарлар бу муаммоларни бартараф этиш йўллари хусусида бош қотирсалар.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,  
"Хуқуқ" муҳбири

**ИЛЛАТ**

Порахўрлик — хавфли иллат. У аввало инсон қалбини жароҳатлайди, бора-бора жамият тараққиётига болта уради.

Хоразм вилоят прокуратураси шу боисдан бошқа жиноятлар қатори порахўрликка қарши ҳам кескин кураш олиб бормоқда. Порахўрлик ҳақидаги аризалар зудлик билан кўриб чиқилиб, тезкор чоралар қўлланилмоқда.

Фуқаро Б.Аллобергановнинг Тошкент Давлат иқтисодий университетини қошидаги олий бизнес мактабининг Хива филиали директори Раҳим Раҳимов уни талабаликка қабул қилиши эвазига 100 минг сўм пора талаб қилаётгани ҳақидаги аризаси жиноят иши кўзгатишга асос бўлди.

## ПОРАХЎРНИНГ ПУШАЙМОНИ

2000 йил 17 октябрда Р. Раҳимовнинг ёнига Бердибой исмли йигит келиб, филиалга ўқишга кириш нияти борлиги айтди.

— Сиз учун бир илжонини қиламиз, — деди директор йигитча билан анча суҳбатлашган, — ҳужжатларингизни ташлаб кетаверинг.

Орадан бир-икки кун ўтган, Бердибой директорнинг ҳузурига яна келди.

— Биласизми, бундай қилиш аслида мумкин эмас-у, лекин сиз учун тўғриладик, — деди Раҳимбой. — Тошкентдан сиз учун битта ўрин олдим. Албатта бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тўғри, қиммат эмас, бор-йўғи 200 доллар.

Пул миқдорини эшитиб Бердибойнинг жони чиқиб кетди. Йигит доллар деганини умрида кўрмаган. Шунча пулни қаердан топиб беради? Бердибойнинг ўйланиб қолганини кўрган директор яна гапга тушди.

— Сиз учун балки арзонроқ қиларимиз.

— Қанчалар бўлиши мумкин?

— 100 минг сўм.

Бердибой қарз-ҳавола қилиб, 100 минг сўм топди. Пулни топишга топди-ю, уни директорга обориб беришга келганда иккилашиб қолди. Бу иши қонунга зид эканлигини тушунди. Олий ўқув юртлири қошида ташкил этилган бизнес мактабларига тингловчилар 5 августдан 5 сентябргача қабул қилинишидан хабар топди.

Бу пайтда текин даромад илинжида ҳар нарсага тайёр Р. Раҳимов яна бир қаллобликни қилишга улгурган эди.

Тест синовларини муваффақиятли топширган абитуриентлар рўйхати Б.Аллоберганов фамилиясини асосиз равишда киритиб қўйди.

Бу орада эса бир қарорга келиб улгурган Бердибой директорнинг пора талаб қилаётганини ҳақида ҳуқуқ посбонларига хабар қилади. Тузилган тезкор гуруҳ томонидан Раҳимов ўз хизмат хонасида Б.Аллобергановдан 100 минг сўмни пора тариқасида олган пайтида қўлга олинди.

Дастлабки тергов жараёнидаёқ Р.Раҳимов ўз айбига тўла иқдор бўлиб, пушаймонлигини билдирди. Унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан айблов эълон қилинди.

Ҳечдан кўра кеч яхши дейишади. Р. Раҳимов-ку, қилмишидан кеч бўлса-да пушаймон бўлди ва жазосини олди. Бироқ ҳаётимизда унга ўхшаш ўз манфаати йўлида қонунбузарликлардан қайтмайдиган кимсалар яна учрамаслигига қаролат борми? Раҳимов фожеаси бундайларга сабоқ бўла оладими? Гап ана шунда.

Абдулла НУРМЕТОВ,  
Хоразм вилоят прокуратураси катта терговчиси,  
адлия кичик маслаҳатчиси

**БУ КИТОБИ ЎҚИДИНГИЗМИ?**

## ТЕРРОР ИЛДИЗИГА УРИЛГАН БОЛТА

Таникли олима, юридик фанлари номзоди, Яққасарой туман судининг раиси Мавжуда Ражабованинг номи ўзбек ўқувчиларига жуда яхши таниш. Опа иншо этган, ўзбек ҳуқуқшунослигининг ҳозирги долзарб масалалари билан бир қаторда мозида яшаб, ижод қилган буюк бобокалонларимиз қолдирган бой илмий мерос, уларнинг ҳуқуқий қарашлари хусусидаги масалаларга бағишланган қатор мақолалар кўплаб газетхоналаримизни ўйга толдиргани ҳеч кимга сир эмас. «Қонун ҳимоясида» журнали тахририяти тайёрлаган "Шариатда жиноят ва жазо" асари эса муаллифининг номини янги бир довоonga олиб чиқди, десақ хато бўлмас. Монографиянинг ўқиган киши олиманинг анчанмунча диншунос олимларини орда қолдириб кетганига яққол амин бўлади. Чунки шариат ва айниқса унинг ҳозирги кундаги ҳуқуққа

тааллуқли томонлари китобда раво, сода тилда баён этиб берилган.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти Мавжуда Ражабованинг "Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак?" китобини нашрдан чиқарди. Профессор Ж.Тошқулов масъул муҳаррирлик қилган ушбу китобни қомил ишонч билан "террор илдизига урилган болта" деб аташ мумкин. Кириш ва тўртта бобдан иборат бўлган ушбу рисола яратишда олима қарийб юзга яқин манабдан фойдаланган. Улар Осаида Қуръони карим, Имом Бухорийнинг "Сихи Бухорий"си, Низомулмулкнинг "Сиясатнома ёки сияр ул-мулк" асари, Абдурауф Фитратнинг "Мухтасар ислом тарихи", шунингдек Президентимиз Ислам Каримов асарлари ҳамда чет элларда чоп этилган, халқаро

террорчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган қатор асарлар бор.

Китобнинг биринчи бобида олима ислом давлатининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида маълумот беради. Мусулмон ҳуқуқидаги икки йўналиш — шиалик ва суннийлик, давлатни бошқариш тўғрисидаги таълимотлар ҳамда исломдаги мазҳаблар ҳақидаги маълумотлар ҳам шу бобдан ўрин олган.

Иккинчи боб норасмий диний-сиёсат оқимлар ва ҳаракатлар, уларнинг ўз олдларига қўйган вазифаларини тасвирлашга бағишланган.

Учинчи бобда республикамизда диний экстремизмга қарши олиб борилаётган кураш хусусида сўз юритилади. Олима "диний экстремизм", "ваҳобийлик", "ақиданарастлик" деганда нимани тушуниш лозимлигини

баён этар экан, уларнинг аслида динга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, улар ҳрқимият тепасига келиш учун динни ўзларига никоб қилиб олганликларини аёвсиз фош қилиб ташлаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бундай хатти-ҳаракатлар учун қандай жазолар назарда тутилганлигини тушунтириб берган.

Китобда диний экстремизм билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар тергов қилишнинг усуллари ҳам баён қилиб берилганки, бу ҳол олиманинг юксак профессионал маҳоратга ҳам эга эканлигидан дарак беради. Зеро М.Ражабова юридик институтда таҳсил олган, илк хизмат фаолиятини терговчиликдан бошлагани сир эмас. Шу сабабдан, олиманинг ушбу китоби прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, суд органлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

А.АБДУМАЖИДОВ,  
ТДЮИ Хуқуқий маърифат  
тарғиботи маркази деректори.  
Й.ПАРДА,  
марказ муҳаррири



# ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## ПАЛЬМАНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Афсуски, бу саволга ҳамон жавоб топилгани йўқ. Бундан ўн беш йил муқаддам Швеция бош вазир Улоф Пальмага суиқасд уюштирилган эди.



1986 йилнинг 28 февралда турмуш ўртоғи билан Стокгольм марказидаги "Гранд" кинотеатри яқинида сайр қилиб юрган Улофга қарата ўқ узилади. Қотилликда гумонлиниб ушланган Кристер Петерсон исмли шахсга қўйилган айблар ўз исботини топмайди ва у суд залидан озод этилади.

Айни вақтгача қотилнинг қимлиги аниқланмаган бўлсада, тергов ишлари давом эттирилмоқда. Полиция бошлиғи Ларс Нилленнинг эйтиришича, ҳуқуқ ҳимоячилари бу борада ҳалигача жиддий бир таҳминга эга эмас экан.

Мамлакат ҳукумати эса Пальманинг қотилига дахлдор исталган маълумотни берган шахсга 50 млн. крон мукофот пули берилишини ваъда қилган.

## ОЗОДЛИКНИНГ БАҲОСИ

Яқинда Испаниянинг Лас-Пальмас-де-Гран-Канария портида Грузия Республикасига қарашли "Анастасия" кемаси хавфсизлик кучлари томонидан ушланди. Бунга испаниялик бошқарувчиларнинг "Анастасия" бортидан 640 тоннага яқин портловчи моддаларни топганлиги сабаб бўлган. Кема капитанининг айтишича, ҳозирча фамилияси сир сақланган бўлган бир киши, у ва экипаж аъзоларининг тергов даврида очикда юришлари учун 150 млн. песет (820 минг АҚШ доллари) сўраётган экан.


## МИЛОШЕВИЧ МОЖАРОСИ

Сербия адлия вазирлиги юқори лавозимли ходимларидан бирининг сўзларига қараганда, мамлакатнинг собиқ президенти Слободан Милошевич яқин кунлар ичида қамоққа олинади. Унинг айтишича, собиқ давлат раҳбарининг ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилганлиги, коррупция ишлари билан шуғулланганлиги ва қотилликлар содир этганлиги фактлари юзасидан бир қанча маълумотлар тўпланган.



Жумладан, у серб прокуратураси томонидан давлат газнасига тегишли бўлган 137 кг. олтинни хорижиликларга сотганлиқда айбланмоқда. Бу ноқонуний савдодан тушган пуллар эса Греция ва Кипрда рўйхатдан ўтган унга қарашли компанияларнинг ҳисобларига ўтказиб берилган экан.

Президент В.Коштуница Милошевичнинг айби бўлса, халқаро трибунал эмас, серб суди олдида жавоб беришини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Халқаро трибунал бош прокурори Карла дель Понте хоним эса Милошевич ҳарбий жиноятлар содир этганлиги учун Халқаро трибуналга топширилиши керак, деган фикрда туриб олган.




## ҚОР ЁГДИ, КУЛФАТ ЁГИЛДИ

Ўтган чоршанба кuni Фарбий Йоркшир графлигининг Селби кишлоғида содир бўлган ҳалокат Буюк Британия тарихидаги муҳим ҳодисалар сирасига киради. Эрталаб М-62 йўлидаги кўприкдан ўтиб бораётган прицепли "Лендровер" автомобили пастдаги темирийўлга кулаб тушган. Бунга ҳайдовчининг йўлни қоплаган қалин қор туфайли машинани бошқаролмай қолгани сабаб бўлган деб таҳмин қилинмоқда.

Ҳаммаси шундан кейин бошланган. Бир амаллаб машинадан чиқиб олган ҳайдовчи фавқулдда ҳолатлар хизматиға қўнғироқ қилишга бир неча бор уринган. Бироқ ҳалокатдан 40 лаҳза ўтар ўтмас, 200 км/с тезлик билан келаётган "Ньюкасл-Лондон" йўловчи поезди машинаға урилиб издан чиқиб кетади ва қўшни йўлни тўсиб қўяди. Бу йўлдан эса минг тонна кўмир ортилган юк поезди катта тезликда келар эди. Бир неча сония ўтиб содир бўлган тўқнашув шу қадар муҳим бўлдики, олдинги вагонлардан бири тўлиғича пачоқланди, бири эса ўн метрча нариға учиб кетди.

Полиция хабарига кўра, ҳалокат натижасида 13 киши қурбон бўлган, 75 киши оғир жароҳатланган. Воқеа жойида ҳозир бўлган транспорт вазири қурбонлар ва жабрланганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирган.

## ЖАҲОННИНГ ЖАННАТ ШАҲАРЛАРИ



"Уильям Мерсер" консалтинг компаниясининг яқинда эълон қилган маълумотларига кўра Швейцариянинг Цюрих ва Канаданинг Ванкувер шаҳарлари дунёдаги ҳаёт даражаси энг юқори шаҳарлар сифатида эътироф этилган. Рўйхатдаги бу икки "жаннат" шаҳарлардан кейин Копенгаген, Женева ва Сидней жой олган. Қисқаси, Скандинавия мамлакатларининг барча пойтахтлари, немисларнинг Франкфурт, Мюнхен ва Дюссельдорф шаҳарлари ҳам ана шундай номга сазовор бўлган.

Рўйхатда Париж - 33, Лондон - 40, Нью-Йорк - 44, Мадрид - 51, Рим - 68 ўринлардан, Санкт - Петербург - 59, Москва ва Киев шаҳарлари эса 60 - ўринни банд этган. Рўйхатнинг энг сўнгида Судан пойтахти Хартум (214) ҳамда Конго давлати маркази Бразавиль (215) турибди.

## ЖАНГАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ



Йилнинг август-сентябрь ойларидида содир этилган воқеаларда қўл остидаги 50 га яқин жангари билан фаол иштирок этган. Бевоситата Хаттоб ва Басаевнинг измида бўлган унинг гуруҳи Доғистон Республикаси худудида ҳам бир қанча кўпуровчилик ишларини амалга оширган экан.

Айни кунларда эса Н.Вачаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Доғистон ИИВнинг терроризм ва экстремизмга қарши кураш бошқармаси бошлиғи А.Оқиловнинг маълум қилишича, Покистон ва Афғонистондаги ҳарбий дала лагерларида махсус тайёргарликдан ўтган чеченистонлик жангари Нурид Вачаев ҳибсга олинган.

Бошқарма бошлиғининг сўзларига қараганда, Н.Вачаев 1999 содир этилган воқеаларда қўл остидаги 50 га яқин жангари билан фаол иштирок этган. Бевоситата Хаттоб ва Басаевнинг измида бўлган унинг гуруҳи Доғистон Республикаси худудида ҳам бир қанча кўпуровчилик ишларини амалга оширган экан.

## ҚОТИЛ ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Ўтган чоршанба кuni Покистон турмаларидан бирида бундан 10 йил илгари Эрон маданий маркази раҳбари, дипломат Содиқ Ганжига суиқасд уюштирган Ҳақ Навоз қатл этилди. Ҳақ Навоз "Сипоҳ ва саҳоба" диний ташкилотининг фаол аъзоларидан бири бўлган. Ҳозирда ҳукумат бу гуруҳга катта хавф тугдирувчи куч сифатида қарамоқда ва унинг тарафдорларини қамоққа олишни бошлаган. Шу муносабат билан мамлакат шаҳарларида хушёрлик янада кучайтирилган.

## СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни кунларда Шимолий-Кавказ округ ҳарбий судида Россия қуролли кучларига қарашли 160 - танк полкининг собиқ командири, полковник Юрий Будановга тааллуқли иш кўриб чиқилмоқда. Эслатиб ўтамай, рус зобити чечен миллатига мансуб қизни ўлдирганлиқда айбланиб, қамоққа олинган эди.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, Ю.Буданов 2000 йилнинг 27 мартда Танги-Чу кишлоғида яшовчи 18 ёшли қизни сўроқ қилиш мақсадида ўзи хизмат қилаётган қисмага келтирган ва шу ернинг ўзида уни бўғиб ўлдирган.

Судланувчи ўзининг айбига иқроор бўлиб, қилмишларини тан олган. Унинг айтишича, мархума жангарилар сафида туриб, кўплаб рус ҳарбийларини ўлдирган экан.



## Корея «КА» га харидор

Корея томонининг эътирофи этишича, мазкур давлат билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида 700 млн. АҚШ долларлик шартнома имзоланган. Мазкур ҳужжатта биноан Жанубий Корея яқин ойлари ичида руслардан замонавий Т - 90 танкларини ва КА-52 вертолётларини сотиб олади.

ЮЛДУЗЛАР ХАЁТИ

Саида РАМЕТОВА:

# “ГОЛЛИВУДДА РОЛЬ УЙНАШ ИСТАГИМ БОР”



рази адиб яратган, режиссёр талқин қилган, актриса ижро этган кашфиёт бўлди десак, мубоғла қилмаган бўламиз.

Саида кўхна Самарқанд шаҳрида туғилиб, воёга етди. Унинг отаси дурадгор бўлган, онаси заводда ишлаган... Онаси халқ лапарларини маромига етказибайган, яқин биродарларнинг тўй-ҳашамни усиз ўтмаган. Эҳтимол Саиданинг санъаткор бўлишида, драматик актриса бўла туриб халқ лапарларини қиёмега етказиб айтишига онасининг ана шу истеъдоди туртки бўлгандир.

Мактаб йилларида Саиданинг иштирокисиз бирон-бир тадбир, бирон-бир адабий кеча ўтмаса-да, у ўз олдига санъаткор бўлиш мақсадини кўймаган эди. Аксарият ўрта мактаб битирувчилари сингари олий ўқув юртида ўқишни ниёт қилади. Гузал ва бегубор орзулар қанотида, ҳуқуқшунос бўлиш истагида Тошкентга келади.

Баъзида оддий бир тасодиф киши тақдирини ўзгартириб юборишга қодир. Хали хужжатларини ҳуқуқшунослик факультетига топ-

ширмасидан илгари дугоналари билан Ҳамза театрига тушган Саидада “Юрак сирлари” спектакли катта таассурот қолдиради. Спектаклдан сўнг у зинада ижрочи актёрлар йўлига қарайди. Унга Гулчехра Жамилова билан Эркин Комилов рўбарў келади. Шунда унинг ниятлари ўзгаради. Кейин у хужжатларини театр институти, ҳозирги Маннон Уйғур номидаги



санъат институтининг мусикали драма факультетига топширади... Талабалик йилларини бошқача ҳаяжон билан эслайди. Илк синавдан ўтган роли — Майна Ҳасанова образини хотирлайди. Институти битирган, собиқ “Еш гвардия”, ҳозирги Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театрига ишга келади. Ушбу театр актрисанинг ижодий камолотига том маънода мустаҳкам замин қўяди. Йиллар ўтиб, у элга танила боради.

“Чимилдик”даги янгани унутиб бўладими? Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг “Ёзининг ёлғиз ёдгори”даги Хуснияни-чи? Саида яратган образларни, улардаги бетакрорликни узок санаш мумкин.

— Саида, шундайгина яратган ролларингиздан ўзингиз қониқасизми?

— Асло, — кескин жавоб қайтаради. — Ўзингиз ўйланг, санъаткор ўз ижодидан қониқши ҳосил қилган кунни изланишдан тўхтаб қолмайдими?

Унинг жавобига кишининг қўшилгиси келади. Кейин у куйинганича шундай дейди:

— Халқ назарига тушиш жуда қийин. Санъаткорнинг бутун ижоди мобайида бир-иккита образинга эътиборга тушиши мумкин.

— Орзуларингиз?

— Орзуларимми? Эҳе...

Айтсам қулмайсизми? Орзуга айб йўқ, дейдилар. Қани эди “Ўзбекино”да ишланган фильмлар ҳам Америка кинофестивалларида қатнашса. Қатор-қатор “Оскар”ларни қўлга киритса. Ундан кейин... — у жилмайиб: — Голливудда роль ўйнашга тақлиф қилинса...

Кейин Саида яқин кунларда “Туркистон” саройида ўтказиладиган “Она ва бола” йилга аталган, унинг ўзига хос театрлаштирилган муаллифлик кечаси бўлган “Онанг айлансин, болам!” концерт дастури ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб кетди. Ахир, ижодкор ўзи айтганидай изланишдан бир лаҳза бўлма-син тўхтаб қолмаслиги керак-да. У ҳаяжон билан:

— Мен газетангиз орқали ҳамма ҳаммани ушбу томошага тақлиф этаман, — дея суҳбатимизга яқун ясади.

Суҳбатдош: Маъсума АҲМЕДОВА

ТУРФА ОЛАМ

Кўхна дунё бўйлаб саёхатга чиққанлар кўп. Биров отда, биров қайиқда ва яна кимдир самолётда. Бундан олти кун муқаддам олам бўйлаб саёхатга отланган франциялик Юро жабноблари ҳам ўзи учун энг маъқул бўлган транспорт воситаси... тракторни танлаган эди. Бундай «тезиор» улуда ер шарини айланаб чиқиш саёхатчига осон бўлмаслиги аниқ, У соатига 25 километр тезликда мўлжалдаги 39 минг километрлик масофани босиб ўтиши керак. Бунинг учун тахминан 11 ой вақт йўл юришга ва 14 минг соат рулда ўтиришга тўғри келади.

\*\*\*

ЎТГАН ҳафтада дунёнинг энг ёши улуг инсонларидан бири япониялик Жин Кан 108 ёшида оламдан ўтди. Маълум бўлишича, унинг соғлиги сингисининг ўлиmidан сўнг кескин ёмонлашган.

Умргузаронлик даражаси энг юқори деб эътироф этилаётган Японияда икки йил илгари опасингиллар миллатнинг фахри деб эълон қилинган эди.

\*\*\*

СУРИЯДА чоп этиладиган хусусий газеталардан бири 40 йиллик фаолияти давомида биринчи марта нашр этилган барча нусхасини бир неча соат ичида сотишга эришди. Ҳуқуматга қарашли газеталардан беш баравар қиммат бўлган «Al Doumag» нусхаси жиҳатидан ҳам бошқалардан анча устулик қилади. Мамлакатдаги аксарият газеталар 20 мингга яқин нусхада чоп этилаётган аниқ дама «Al Doumag» ўзининг 75 мингдан ортик ўқувчисига эга.

ЎЗБЕКИСТОНДА хизмат кўрсатган артист Саида Раметовани газетонларга таништиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки у элга танилиб улгурган, ўз муҳлисларига эга бўлган санъаткор. Айниқса, ёзувчи Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган дала-лар” асарни асосида ишланган бадиий фильмда актриса ижросидаги “идеология” роли анча шов-шувга сабаб бўлди. Ва аниқ шу жиҳат талабчан, зийрак томошабин диққатини ўзига тортиди. Давронинг ўзи келтириб чиқарган “идеология” об-



Женевада ўтказилган халқаро автокўргазмада «Мерседес» автомобилнинг оилавий сайрлар учун мўлжалланган русуми ҳам кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Моҳият

Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эри-дир. Эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир.

(Ҳадисдан)

КАҲ-ҚАҲА

— Хоним тезликни оширганингиз учун жарима тўлашингизга тўғри келади.

— Илтимос, кечиринг. Машинам ҳали янги, қондаларни яхши билмайди...

Капитаннинг ўғли отасидан сўра-япти:

— Ҳарбийлар ҳар қандай вазиятда ҳам хотиржамликни сақлаб қолади, дейишади. Шу тўғрими? Эки бу аҳмоқлар учун ўйлаб топилган чўпчакми?

— Муталоко тўғри. Кел, мен сенга мактабдаги кундалик дафтаримни кўрсатаман.

Бир қиз моделлар уйи вакилидан сўраяпти:

— Айтинг-чи, мендан фотомодель чиқадими?

— Йўқ, сиздан фақат фоторобот чиқиши мумкин!



Тоғ манзараси.

КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6	7
8				9		
10					11	
		12	13	14		
17		15			16	
		20			18	19
21					22	
		23		24		
25	26				27	28
		29	30	31	32	33
35						34
						36
37					38	
						39

Энига: 3. Шаҳар транспорти. 8. Нок нави. 9. Лаззат, роҳат. 10. Чекув асбоби. 11. Гумон. 12. Ёввойи беда. 17. Қизлар исми. 18. Америка киноакадемиясининг олий мукофоти. 20. АКШ жанубидаги штат. 21. Уғил болалар ўйини. 22. Ҳам мукофот, ҳам туман. 23. Эълон қилиш, билдириш. 24. Тескари, зид. 25. Немис математиги. 27. Тарихий бино. 30. Қотил, жаллод. 35. Лотин алфавитидаги харф. 36. Эстрада хонандаси (исми). 37. Рўзгорда ишлатиладиган асбоб. 38. Қизлар исми. 39. Ваъз, насихат.

Бўйига: 1. Европадаги давлат. 2. Эътиқодли, азиз одам. 3. Япония жанубидаги шаҳар. 4. Танбех, миннат. 5. Куй, наво. 6. Амир Темирнинг набираси, шоир. 7. Кўза кўринган фирма. 13. Европадаги фўтбол клуби. 14. Санъат тури. 15. Кумушранг юмшоқ металл. 16. Виждонсиз. 17. Судлар фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи идора. 19. Дурадгорлик асбоби. 26. Тиш пастаси. 28. С.Айний асари. 29. Давлат бош маҳкамаси. 31. Жиззахнинг қадимий номи. 32. Қорамай. 33. Ясама соч. 34. Мультфильм қаҳрамони.

Тузувчи: Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА